

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqlidir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya – الماتريدية – Матуридизм



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолiddин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги
04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМий-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолiddин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фаҳриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidijournal.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhriddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти..... 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табоқот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбаин жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftohi al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг манбашунослик таҳлили 171

Azat B. SARSENBAEV,
Researcher of Istanbul University.
 E-mail: azat_sarsenbaev@yahoo.com
 Istanbul, Turkey.

Nurulloh K. TURAMBETOV,
International Islamic Academy of Uzbekistan
Teacher of the UNESCO Chair in
Comparative Study of World Religions.
 A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: nurullohturambetov@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/6

БУРҲОНУДДИН МАРҒИНОНИЙНИНГ «ХИДОЯ» АСАРИДА ҚУРЪОНДАН ҲУҚУҚИЙ МАНБА СИФАТИДА ФЙДАЛАНИШ УСЛУБИ

THE METHOD OF USING THE QUR'AN AS A LEGAL SOURCE IN THE WORK «AL-HIDAYA» BY BURHANUDDIN MARGHINANI

МЕТОД АПЕЛЛИРОВАНИЯ К КОРАНУ КАК ПРАВОВОМУ ИСТОЧНИКУ В ТРУДЕ «ХИДАЯ» БУРХАНУДДИНА МАРГИНАНИ

КИРИШ

Ислом ҳуқуқининг муҳим хусусиятларидан бири бу унинг асосий манбаи бўлмиш Қуръони каримнинг илоҳий хусусиятга эга эканидир. Шу сабабли ҳам ислом ҳуқуқида Қуръони каримнинг манбалар орасида тутган ўрнига алоҳида эътибор берилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом илмларининг тадрижийлик билан ривожлангани сабабли Қуръондаги ҳуқуқий нормаларни алоҳида ўрганиш ёндашуви бирданига юзага келмаган. Ислом олимлари Қуръондаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни уч шаклда ўрганганлар:

Биринчидан, тафсир илми шаклланданда Қуръон нормаларини умумий Қуръон оятларини шарҳлаш ичида ўрганилган бўлиб, бу жанрда ёзилган манбалар жуда кўп. Бундай асарларнинг

энг қадимийси Мужоҳид (в. 722)нинг «Тафсир»и бўлиб, мўътабарларидан Табарий (в. 310/922)нинг «Жоме ал-баён» (Мужоҳид Махзумий, 1989) ва Ибн Касир (в. 1372)нинг «Тафсир ал-Қуръон ал-азим» асаридир (Ибн Касир, 1989). Марказий Осиёда бу жанрда биринчилардан бўлиб Муқотил ибн Сулаймон (в. 767) «Тафсир»ини ёзган (Муқотил ибн Сулаймон Балхий, 2002), кейинги даврларда Абу Мансур ал-Мотуридий (в. 944) «Таъвилот аҳл ас-сунна» (Абу Мансур ал-Мотуридий, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалар институти. Р. 5126, 5127), Абул Лайс ас-Самарқандий (в. 1003) «Баҳр ал-улум» (Абул Лайс ас-Самарқандий, 1993), Нажмуддин Абу Ҳафс Насафий (в. 1143) «ат-Тайсир фи-т-тафсир» (Абу Ҳафс Насафий, 2019), Имом Замахшарий (в. 1144) «ал-Кашшоф» (Махмуд Замахшарий, 1995) ва Ҳофизуддин Абул Баракот Насафий (в. 1310) «Мадорик ат-танзил» (Ҳофизуддин Абул Баракот Насафий, 2005) асарларини ёзганлар.

Бу жанрда Қуръон оятлари мавзулари умумий ҳолда ўрганилган бўлса ҳам муаллифнинг субъектив қизиқишига қараб муайян соҳани ўрганишга алоҳида урғу берилган. Масалан Ибн Касир китобида ҳадисларга урғу берса, Мотуридий ақидавий масалаларга, Замахшарий сўзларнинг таҳлилига кўпроқ эътибор беради. Ҳуқуқий жиҳатига эса кўпроқ эътибор қаратилган асар сифатида Куртубий (в. 1273)нинг «ал-Жоме ли аҳком ал-Қуръон» (ал-Куртубий, 2000) номли асарини кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, биринчи йўналишнинг ривожланган шакли юзага келиб, бунда Қуръонни тўла шарҳламасдан, балки алоҳида мавзуларга тегишли бўлган оятларни жамлаб шарҳлашган. Шулар қатори ҳукм оятлари (Қуръон нормалари)ни алоҳида ўрганилган китоблар ҳам ёзила бошланган. Буларнинг қадимийси Имом Шофеийга нисбат бериладиган «Аҳком ал-Қуръон» (Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеий, 1951) асаридир. Ушбу асар аслида Имом Шофеийнинг ўзи томонидан ёзилган бўлмай, балки икки ярим асрдан сўнг издошларидан Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий (в. 1066) томонидан имомдан қилинган ривоятлар ва китобларидан тўпланган. Том маънода биринчи бўлиб бу йўналишда ёзилган илк асарлар ўлароқ Абу Исҳоқ Исмоил ибн Исҳоқ Жаҳдабий (в. 896) «Аҳком ал-Қуръон» (Абу Исҳоқ Исмоил ибн Исҳоқ ал-Жаҳдабий, 2005), Абу Жаъфар Таҳовий (в. 933) «Аҳком ал-Қуръон» (ат-Таҳовий, 1996) ва Абу Бакр ал-Жассос (в. 980) «Аҳком ал-Қуръон» (Абу Бакр ал-Жассос, 1929) номли китобларини

Аннотация. Ушбу мақолада Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарини ёзишида Қуръони карим оятларидан фойдаланиши ва уларни шарҳлаш услублари очиб берилган. Бурҳониддин Марғиноний бутун олам мусулмонлари учун манфаатли асарлар қолдирди. Улар ичида «Ҳидоя» асари ислом ҳуқуқи бўйича ёзилган беназир манба сифатида ҳозирга қадар ардоқланиб келинади.

Маълумки Қуръон шариат ҳукмларининг асосий манбаси ҳисобланади. Марғиноний ҳам «Ҳидоя»да Қудурий матнларини шарҳлаш жараёнида бир қатор ҳукмларга Қуръондан далил келтиради.

Мақолада Бурҳониддин Марғиноний асосан икки нарсага эътибор бериши, улардан биринчиси насх, яъни олдинги ҳукмнинг бекор қилиниши масаласи бўлиб, бу услубни оятларга нисбатан ишлатмаслиги, чунки муаллиф оятларни фақат зарурат учун келтириши, иккинчиси эса, оятларнинг нозил бўлиш сабаби, яъни қачон, нима мақсадда ҳукм ояти нозил бўлганини кўрсатиб беришига ҳаракат қилиши аниқ мисоллар билан ёритиб берилган. Шунингдек, Бурҳониддин Марғиноний оятларни шарҳлар экан, уларга тафсир ўлароқ эмас, балки илмий шарҳ йўсинида ёндошгани мулоҳаза қилинади.

Калим сўзлар: Ислом ҳуқуқи, Бурҳониддин Марғиноний, Қуръони карим, «Ҳидоя», ҳуқуқий манба, услуб, оят.

Abstract. This article reveals Burhanuddin Marghinani's use of Qur'anic verses and methods of interpreting them in writing his work «al-Hidaya». Burhanuddin Marghinani left works of interest for Muslims all over the world. Among them, the book «Kitab al-Hidaya» is still revered as a unique source written on Islamic law.

It is known that the Qur'an is the main source of Sharia rulings. Marghinani also provides evidence from the Qur'an for a number of rulings in the process of interpreting Quduri's texts in «al-Hidaya».

Burhanuddin Marghinani mainly focuses on two things. The first is a matter of abrogation (naskh), that is, the abrogation of a previous ruling, in which he does not apply this method to verses. This is because the author quotes the verses only for necessity. Secondly, he tries to show the reason for the revelation of the verses, that is, when and for what purpose the verse of judgment was revealed. It can also be seen that when Burhanuddin Marghinani commented on the verses, he approached them not as an tafsir, but as a scientific commentary.

Keywords: Islamic law, Burhanuddin Marghinani, Holy Qur'an, «al-Hidaya», legal source, method, verse.

Аннотация. В данной статье раскрывается методы Бурхануддина Маргинани в апеллировании аятами Корана и его способах их интерпретации при создании своего труда «Хидая». Бурхануддин Маргинани оставил труды, представляющие интерес для всего мусульманского мира. В среди этих трудов в качестве основного источника по исламскому праву до сих пор пользуется его труд «Китаб аль-Хидая».

Известно, что Коран является основным источником шариатских постановлений. Маргинани также приводит доказательства из Корана для ряда судебных решений в процессе интерпретации текстов Кудури в труде «Хидая».

В статье, конкретными примерами раскрывается, что Бурхануддин Маргинани в основном фокусируется на двух вещах и первое из них - это насх - вопрос об отмене предыдущего решения, в данном случае метод не используется по отношению к аятам. Потому что автор цитирует аяты только по необходимости, а второе, он пытается показать обстоятельства ниспосылания аятов, то есть когда и с какой целью был ниспослан конкретный аят. Также, рассматривается, что Бурхануддин Маргинани, комментируя аяты, подошел к ним не как к тафсиру, а как к научному комментарию.

Ключевые слова: исламское право, Бурхануддин Маргинани, Коран, «Хидая», правовой источник, метод, аят.

ёзишган. Моликий мазҳабига мансуб Ибн Арабий (в. 543/1143) ҳам «Аҳком ал-Қуръон» (Ибн Арабий, 1959) номли китоб ёзган. Бу жанрда яқин давр олимларидан Муҳаммад Сиддиқ Ҳасанхон (в. 1889) «Найл ал-муром» (Муҳаммад Сиддиқ Ҳасанхон, 1929:368), Муҳаммад Али ас-Сойис «Тафсир оёт ал-аҳком» (Муҳаммад Али ас-Сойис, 1998), Муҳаммад Али ас-Собуний «Тафсир оёт ал-аҳком» (Муҳаммад Али ас-Собуний, 1999) номли китобларни ёзишган. Бу жанрда бизнинг минтақада ҳеч қандай асар ёзилмаган.

Булар деярли ҳаммаси умумий тафсир анъанасига мувофиқ тарзда оятларни шарҳлаганлар. Буларнинг ичида Жаҳдабийнинг асари асосан ҳукм оятларига оид ҳадисларни тўплаш билан ажралиб турса, Таҳовий Қуръон оятларини фикҳ китобларининг мавзуларига оид масалалар тартибига кўра, яъни муайян мавзулар тизимида кўра тафсир қилган. Собунийнинг тафсири эса замонавий, кенг қамровли ва тизимли бир услубда ёзган. Аммо тартиб жиҳатидан умумий тафсир анъанасини давом эттирган.

Учинчидан, Қуръондаги ҳукм оятлари далиллари билан ёзилган фикҳ китоблари ичида ижтимоий муносабатларнинг ислом ҳуқуқи нормаларига мувофиқлигини асослаш жиҳатидан ўрганилган бўлиб, бу кенг тарқалган услубдир. Бу шаклда мабсут ва шарҳ услубидаги фикҳий китоблар ёзилган. Бу услубда биринчилардан бўлиб, имом Муҳаммад Шайбоний (в. 804) «ал-Асл» (Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, 2012) ва Имом Шофейй (в. 204/820) «ал-Умм» (Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофейй, 1993) асарини шу жанрда ёзганлар. Бу жанрда ёзилган машҳур асарлардан зоҳирий мазҳабига мансуб Ибн Ҳазм (в. 1063) нинг «ал-Муҳалло» (Ибн Ҳазм, 1929), ханбалӣ мазҳабига мансуб Ибн Қудом (в. 1223) нинг «ал-Муғний» (Ибн Қудом, 1997), моликий мазҳабига мансуб Ибн Рушд (в. 1198) нинг «Бидоят ал-муҷтаҳид» (Ибн Рушд, 1911) ва шофейй мазҳабига мансуб Абу Исҳоқ Шерозий (в. 1083) нинг «ал-Муҳаззаб» асарларини келтириш мумкин.

Бизнинг минтақада ҳам ушбу жанрда бир қанча китоблар ёзилган бўлиб, улардан энг машҳурлари Қаффол Шоший (в. 976) нинг «Маҳосин ал-ислом» (Абу Бакр Қаффол аш-Шоший, 2007), Шамсулаимма ас-Сарахсий (в. 1090) нинг «ал-Мабсут» (Шамсулаимма Сарахсий, 2001), Алоуддин Косоний (в. 1191) нинг «Бадое ас-саное» (Алоуддин ал-Косоний, 1997) асрларидир.

Бурҳониддин Марғиноний (в. 1197) нинг «Ҳидоя» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990) асари минтақамизда ушбу жанрда ёзилган машҳур асарлардан бири ҳисобланади.

«Ҳидоя»да ишлатилган манбалар орасида Қуръони карим тутган ўрнининг алоҳида эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, «Ҳидоя»да ислом ҳуқуқининг бир неча манбаларидан фойдаланилган. Масалан сунна, ижмо, саҳобаларнинг асарлари, киёс, урф, масолах, истехсон, олдинги шариатлар ҳукмларига бирор манба сифатида қаралган ёки уларнинг қайсидир жиҳатидан шариат нормасига боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, мужтаҳидларнинг қарашлари (ижтиҳод), мазҳаб олимлари, жумладан Мовароуннаҳр олимларининг қарашлари (фатволар) ҳам шариат нормаларини белгилашда ёки шарҳлашда манба вазифасини ўтаган. Усул ал-фикҳ илмига кўра эса, ислом ҳуқуқининг асосий манбалари бу Қуръон, сунна, ижмо ва киёсдир.

Қуръони каримдаги шариат нормасига манба бўла оладиган оятлар ҳажми суннага нисбатан кам. Чунки, манбалар ичида ҳажми жиҳатдан энг каттаси сунна, сўнг ижмо, сўнг Қуръон ҳисобланади.

Айтиб ўтиш лозимки, Қуръон ва суннанинг манбалар орасида алоҳида ўрни борлиги ҳамда уларнинг ёзилган ҳолда сақланганлиги учун уларни умумий «насс» деган ном билан аташади.

Битта нассни шарҳлаш орқали ундан бир неча нормалар чиқариш мумкинлигини инобатга олсак, «Ҳидоя»да ишлатилган манбаларнинг ҳажмини белгилашда шундай тартибни кузатиш мумкин: энг кўп қўлланилган манба бу сунна, сўнг Қуръон, сўнг ижмодир.

«Ҳидоя»да Қуръон оятлари ҳар мавзуда бир хил даражада ишлатилмаганини кўриш мумкин. Масалан, «Ҳидоя»да 56 китоб бўлса, шундан 36 китобида оятларга мурожаат қилинган.

Маълумки, «Ҳидоя»да анъанавий тартибда, имом Муҳаммад ибн Ҳасаннинг «ал-Жоме ас-сағир» асарининг тартибини асос қилиб олган. Бу асар эса, фикҳ китобларининг энди тартибга солинаётган пайтда ёзилган эди. Аслида бу борада ҳар хил қарашлар мавжуд бўлиб, фақиҳлар ўз асарларини ёзишда турли услубда тартибга солганлар. Қолаверса «ал-Жоме ас-сағир» асарининг тартиби ҳам Имом Муҳаммаднинг ўзи томонидан эмас, балки уни ўргатувчи олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Масалан манбаларда унинг тартиби Бағдодда яшаб, X аср бошида Маккада вафот этган Абу Тохир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Суфён Даббос ва Абу Абдуллоҳ Ҳасан ибн Аҳмад Заъфароний (в. 1002 ёки 1004) тартиби бўйича ёзилган нусхалар маълум ва бу нусхалар Мовароуннаҳрда кенг тарқалган бўлган.

«Ҳидоя»даги китоблар ҳуқуқ соҳаларига кўра таснифланмаган бўлса ҳам, уларни муайян ҳуқуқ соҳаларига оидлигига қараб умумлаштиришга ҳаракат қилинди. Шунга кўра «Ҳидоя»да Қуръон оятларига ибодат соҳасида 110 марта, оилавий муносабатлар бўйича 97 марта, фуқаролик муносабатлари бўйича 43 марта, жиноят муносабатлари бўйича 34 марта, процессуал ҳуқуқ бўйича 19 марта, халқаро ҳуқуқ бўйича 15 марта, ҳаром ва ҳалол масаласи бўйича 14 марта, жами 332 марта ҳар хил шаклда мурожаат қилинган.

МУҲОКАМА

Мазкур китобларда Қуръони карим оятларига мурожаат қилиш шакли тафовут қилади. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан, ўрнига қараб Қуръон оятларининг ўзи нақл қилинган. Аммо, оятларни нақл қилиш услуби ҳам фарқланади. Маълумки, Қуръон

оятларининг ҳажми ҳар хил бўлади. Баъзилари бир сўз, баъзилари тўла бир бет бўлиши мумин. Лекин, муаллиф мавзуга қараб а) «ولذي القرى» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:440) каби оятнинг муайян қисмини, б) «ومن يقتل مؤمنا متعمدا فجزاؤه» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:501) каби бир жумласини ёки в) «فاجلدوا» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:386) каби бир сўзини г) ёхуд «إن مع العسر يسرا فإن مع العسر يسرا» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:259) каби бир неча оятларни ҳам келтириши мумкин. Баъзи ҳолларда мавзуга тааллуқли оят узун бўлганда д) «يا أيها الذين آمنوا» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:12) каби унинг фақат бош қисми ёки е) «كلوا و اشربوا حتى يتبين لكم الخيط الأبيض من الخيط» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:131) шаклида оятнинг боши келтирилиб, қайси жумлагача давом этиши баён қилинган.

Бунда таҳлил қилинаётган ўринда асос сифатида зикр қилинишида кифоя қиладиган минимал даража билан чекланиш асосий принцип бўлган.

Иккинчидан, Қуръон ва суннанинг умумий номи бўлган «насс» сўзи билан ҳам ифодаланган. Бунда «насс» сўзи билан баъзан Қуръон ояти, гоҳо сунна қасд қилинган. Шу билан бирга баъзи ўринларга «насс» сўзидан ясалган «мансус» ёки «мансус алайҳ» сўзлари билан ҳам ифодаланган.

Учинчидан, «тиловат» ўзагидан ясалган сўзлар билан ифодаланган. Бунда асосан олдин зикр қилинган оятга қайта мурожаат қилишда ишлатилган.

Тўртинчидан, «таяммум ояти», «мудояна ояти» каби ёки бошқа шаклда муайян оятнинг мавзусига қараб оят номи билан айtilган.

Бешинчидан, қироатнинг муайян шаклини кўрсатган ҳолда оятга мурожаат қилинган. Бу шакл жуда ҳам кам ишлатилиб, баъзи ихтилофларга сабаб бўлганда ушбу шакл ишлатилган.

Олтинчидан, Қуръонни умумий манба сифатида фақат «Китоб» деб атаб, унга ишора қилган. Бу шакл ҳам кўп ҳолларда олдин зикр қилинган оятга мурожаат қилинганда ишлатилган.

Қуръон оятларидан «Ҳидоя»да ишлатилиш шакли ҳар хил бўлганидек, ишлатилиш йўналишлари ҳам ҳар хил бўлган.

Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, Қуръони карим муайян бир мавзуга оид китоб эмас. У қамраб олган мавзуларининг илмий, ҳукукий, ижтимоий, тарихий, мафкуравий, динийлиги

билан ажралиб туради. Шу билан бирга у араб тили ва адабиётининг ҳам асосий манбаи бўлиб, грамматик қоидалар унда сўзларнинг ишлатилиши тартиби асосида ва араб адабиётидаги санъатлар унда сўзларнинг ишлатилиш услублари асосида шаклланган. Шунга қўра «Ҳидоя»да Қуръони каримдан фойдаланиш йўналишларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан, баъзи атамаларни асослаш ва уларнинг маъноларини изоҳлаш. Қуръон илоҳий китоб бўлишидан ташқари араб тили мутахассислари томонидан араб тилининг энг классик манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳар қандай олим муайян термин ёки сўзларни ишлатганда кўп ҳолларда Қуръон ояти асосида тушунтиришга ва асослашга ҳаракат қилган. «Ҳидоя»да ҳам ҳукукий атамалар, баъзан шартномаларда ишлатилган сўзлар ва иборалар маъноларининг чегараларини аниқлаш мақсадида Қуръонга мурожаат қилинган. Масалан, «кафолат» сўзининг «қўшиш» деб шарҳлашгани «وكلفها زكريا» ояти билан асосланган (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:96). Бундан ташқари имомлар ўртасидаги «في» сўзининг маъносини шарҳлашда «فادخلي في عبادي» ояти билан асосланган (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:203).

Иккинчидан, ҳукукий манба сифатида Қуръонга мурожаат қилиш. Бу Қуръонга мурожаат қилишнинг асосий туридир. Аммо шуни айтиб ўтиш лозимки, бундай мурожаат мақсад ва услуби жиҳатидан фарқланиди.

«Ҳидоя»да Қуръони каримдан манба сифатида фойдаланилганда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилган:

бирор иш-ҳаракатнинг шариатдаги ҳукмини белгилаб бериш. Масалан, «والله على الناس حج البيت» (Бурҳониддин ал-Марғиноний, 1990:145) оятидан ҳажнинг фарзлигини белгилаб берган. Бу Қуръондан манба сифатида фойдаланишдан кўзланган асосий мақсаддир;

мунозара қилувчи тарафларнинг қарашларини асослаш. Бу мақсадда Қуръон ояти иккинчи даражага ўтказилиб ишлатилади. Яъни, асосий мақсад тарафларнинг қарашларини баён қилиш бўлиб, Қуръон бирор шариат ҳукмини баён қилиш учун эмас, балки фақат уларнинг қарашларини асослаш, мустаҳкамлаш мақсадида ишлатилади. Масалан, Имом Зуфарнинг «тахоратда қўл ва оёқ ювилганда тирсак ва тўпикнинг қўшиб ювилиши фарз эмас» деган қарашини асослаш учун Қуръондаги «ثم أتموا الصيام إلى الليل» ояти далил қилиб келтирилган (Бурҳониддин ал-Марғиноний,

1990:5). Чунки, оят рўза масаласини тартибга солса ҳам, бу ерда Имомнинг таҳорат масаласидаги қарашини оятга қиёслаш орқали асослаш учун келтирилган;

сура ёки оятнинг бирор иш ҳаракатнинг объекти эканлигини кўрсатиш. Бундай ҳолатлар фикҳ китобларида ва «ҳукм оятларини ўрганиш» жанрида ёзилган тадқиқотларда кўп учрайди. Бунда Қуръоннинг бир қисми (сура ёки оят) муайян иш ҳаракатнинг объекти бўлади, яъни ўқилади. Масалан, намозда «Фотиҳа» сурасининг ўқилиши (Бурҳониддин Марғиновий, 1990:52) ёки Абу Юсуфнинг қарашига кўра сано айтганда «*اني وجهت وجهي*» оятини ўқиш (Бурҳониддин Марғиновий, 1990:51) лозимлиги айtilган.

Ушбу мақсадларни амалга оширишдаги услублар эса қуйидаги кўринишда бўлган:

оятга тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, шариат нормасини чиқазиш. Бунда Қуръон нормаларининг тўғридан тўғри диспозиция ёки гипотеза шаклида келган оятларига асосланилган;

оятларни шарҳлаш орқали шариат нормаларини чиқариш. Маълумки, Қуръоннинг барча сўзлари ва жумлалари муайян маънони ифодалайди. Лекин, буни фақат чуқур мулоҳаза қилингандагина тушуниш мумкин. Масалан, намозда такбирнинг намоз шарти ёки рукни экани борасидаги ихтилофда ҳанафий мазҳаби уламолари «*و ذكر اسم و ربه فصلی*» оятидаги «*ف*» ҳарфининг маъносини шарҳлаш билан такбирнинг рукн эмас, балки шарт экани асослаганлар (Бурҳониддин ал-Марғиновий, 1990:50);

Қуръондаги қиссалар, олдинги пайғамбарлар шариати ҳукмлари асосида янги норма чиқазиш. Масалан, Юсуф (а.с.) қиссасида жарчининг «*ومن جاء به حمل بعير و انا به زعيم*», деган гапидан кафолатда шарт қўшилиши мумкинлигига далил қилинган (Бурҳониддин ал-Марғиновий, 1990:100).

НАТИЖА

Оятлар ва улардан чиқарилган ҳукмлар таҳлил қилинганда шу нарсага гувоҳ бўлиш мумкинки, фақиҳларнинг ўзига хос нормани шарҳлаш услуби бўлган. Ҳатто, ҳозирги кунда амалдаги ҳуқуқшуносликдаги шарҳлаш методларининг ўхшашини кўриш мумкин. Қуйида грамматик, тарихий-қиёсий, систематик ва мантикий усулда оятлар шарҳланганлигини кўрсатиб ўтамиз.

Биринчидан, Бурҳониддин Марғиновий грамматик усулдан кенг фойдаланади. Бунда

асосан баъзи тушунча ёки сўзларнинг маънолари ёки ишлатилиш ўринларини аниқлаштиришда мурожаат қилинган. Аслини олиб қараганда Қуръон араб тили ва адабиёти учун классик манба ҳисобланади. Унда ишлатилган сўзлар ва грамматик қоидалар араб тили бўйича мезондир. Шу жиҳатдан фақиҳлар ҳар доим Қуръондан араб тили сўзлари ва ибораларини далил қилиб келтиришган. Масалан, Имом Шофеий ҳажда Сафо ва Марва ўртасида саъй қилиш ҳажнинг бир рукни, деган қарашига «Аллоҳ таоло сизларга саъй қилишни ёзди (катаба). Бас, саъй қилинглр» ҳадисини келтиради. Бу ерда имом Шофеий ҳадисни унда «катаба» (ёзмок) феълининг мажбурият юклаш маъносида келган, деган ёндашув асосида далил қилиб келтиради. Зеро, кўпгина оятларда «катаба» феъли мажбурият юкланганини ифодалайди. Бурҳониддин Марғиновий эса, бу феъл ҳар доим ҳам мажбурият юклмаслигини кўрсатиш мақсадида «Қайси бирингизга ўлим ҳозир бўлса (яқинлашса) ... васият қилиш битилди» оятини келтириб, ундаги «битилди» сўзи васият қилишнинг мажбурийлигини эмас, балки ихтиёрий эканини билдиради, деб жавоб беради (Бурҳониддин Марғиновий, 1990:154).

Бундан ташқари Бурҳониддин Марғиновий фуқаролар ўртасидаги шартномаларда ишлатиладиган сўзларга алоҳида эътибор қаратгани учун шартномалардаги ишлатиладиган сўзларнинг маъноларини Қуръон орқали шарҳлашга ҳаракат қилади. Масалан талоқ бобида шартли қасамларни тушунтирар экан, «шарт лафзлари билан ичилган қасам агар хатти-ҳаракат биринчи марта содир бўлган бўлса қасам тугаган ҳисобланади. Иккинчи марта содир бўлганда бу қасамнинг таъсир кучи йўқ бўлади», дейди. Лекин, шарт лафзларидан «қулламо» (كلمة) сўзини истисно қилади. Агар, ушбу сўз ишлатилган бўлса қасам ичилган хатти-ҳаракат ҳар қачон содир бўлганда қасамдан кўзланган мақсад унга тааллуқли бўлаверади, деб, унга «... терилари куйиб битиши билан ...» оятини далил қилади. Чунки, бу ердаги терининг куйиб битиши ва янгиланишнинг такрорланиб туриши маълум. Бу жараёни ифодалаш учун оятда «қулламо» сўзи ишлатилган. Демак «қулламо» сўзи такрорланиб турувчи жараёни ифодалайди (Бурҳониддин ал-Марғиновий, 1990:273).

Яна бир мисол. Агар, васиятномада меросхўр «фалончининг аҳли», деб кўрсатилса, Абу Ҳанифага кўра ўша кишининг хотини меросхўр бўлади, бошқа олимларга кўра эса ўша кишининг нафақа билан таъминлайдиган оила аъзолари ҳам

меросхўр бўладилар. Олимларнинг қарашларини Бурҳониддин Марғинович «...барча аҳл-у оилангиз билан бирга менинг олдимга келингиз» оятини далил қилиб келтиради. Абу Ҳанифанинг қарашини эса, «...оиласи билан (Миср томон) йўлга тушгач...» ояти билан асослашга ҳаракат қилади (Бурҳониддин ал-Марғинович, 1990:603).

Тарихий-сиёсий усул бўйича шарҳлашда Бурҳониддин Марғинович асосан икки нарсага эътибор беради. Биринчиси насх, яъни олдинги ҳукмнинг бекор қилиниши масаласи бўлиб, бу услубни оятларга нисбатан ишлатмайди. Чунки, муаллиф оятларни фақат зарурат учун келтиради. Ҳукми бекор қилинган оятни келтиришдан эса маъно йўқ. Аммо, ҳадислар кўп ва турли бўлганлиги учун мунозара қилувчи тарафлар асосланган баъзи ҳадислар ўртасида ёки Қуръон билан мазмунан зиддиятли бўлиб қолганида насх қондаси билан шарҳлайди. Иккинчидан, оятларнинг сабаби нузулига, яъни қачон, нима мақсадда ҳукм ояти нозил бўлганини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Масалан, жазолар масаласида қулларга бериладиган жазо озод кишиларга бериладиган жазонинг ярми эканини чўрилар ҳақида нозил бўлган «...уларга озод аёлларга бериладиган жазонинг ярми (берилур)» оятини келтиради (Бурҳониддин ал-Марғинович, 1990:384).

Бошқа бир мисол. Имом Молик ва Шофеийларнинг қул бекасига нисбатан маҳрам сингари бўлиб, бекасининг баданини бемалол кўриши мумкин, деган қарашига «Улар зеб зийнат (аврат)ларини эрлари ... ё қўл остидагилар ...дан бошқа кишиларга кўрсатмасинлар» оятини келтирганлар. Бурҳониддин Марғинович ҳанафийлар номидан Саид ва Ҳасаннинг «Сизларни Нур сураси алдаб қўймасин. Чунки, у эркаклар ҳақида эмас, аёллар ҳақидадир», деган гаплари билан оятда қасд этилган «қўл остидагилар»дан мурод эркак қуллар эмас балки чўрилар эканини тушунтиради ва қул бекасининг авратига қараши мумкин эмаслигини таъкидлайди (Бурҳониддин ал-Марғинович, 1990:422).

Систематик усулда эса бир-бирига зид кўринган оятлар таҳлил қилинади. Музаммил сурасининг 20-оятига кўра намозда ўзига осон бўлган даражада Қуръони каримдан ўқиса етарли бўлади. Лекин, машҳур ҳадисга кўра Фотиҳа ўқилмаган намоз намоз эмаслиги таъкидланади. Бурҳониддин Марғинович бу ерда ҳам систематик усулда шарҳлаб айтадики, Қуръонда келгани фарз, яъни Қуръони каримдан бирор нарса ўқиш

фарз, ҳадисда келгани эса вожиб, яъни намозда кироат қилганда Фотиҳа сурасини ўқиш вожибдир (Бурҳониддин ал-Марғинович, 1990:52).

Мантикий шарҳлашга келадиган бўлсак, «Ҳидоя»да шарҳлашнинг ушбу турида жуда кўп фойдаланганлигини кўриш мумкин. Зеро, юқорида айтганимиздек, масалаларни асослашга уринилганда оят масалага бевосита алоқадор бўлмаслиги мумкин, лекин мантикий ёндашилса масаладаги хулосага етиб бориш мумкин. Масалан, қасос ҳақидаги оятда «озод кишига озод киши, қулга қул», дейилади. Бурҳониддин Марғинович бу оятдан «озод киши қул туфайли ўлдирилмайди», деган хулосани чиқаради (Бурҳониддин Марғинович, 1990:503).

Бурҳониддин Марғинович оятларни ҳажмга кўра шарҳлашда 3 хил йўлдан боради: том маъносига кўра шарҳлаш, чекланган ҳолда шарҳлаш, кенгайтирган ҳолда шарҳлаш.

Том маъносига кўра шарҳлаш, деганда оят лафзидан нима туширилган бўлса шу маънони беришдир. Масалан, Бақара сурасининг 184-оятининг маъносидан қариялар рўза тутишга қодир бўлмасалар, мискинларга ҳар бир кун учун фидя берадилар, деган ҳукм чиқарилади. Бақара сурасининг 234-оятига кўра эри вафот этган озод аёлнинг иддаси 4 ой 10 кун экани кўрсатилади. Том маъносига кўра шарҳланганда кўп ҳолларда «ал-аслу фиҳи» (الأصل فيه) деган сўз ишлатилади.

Чекланган ҳолда шарҳланганда асосан усул ал-фикҳдаги хос, муқайяд, деган қоидаларга кўра шарҳланади (Бурҳониддин Марғинович, 1990:211). Кенгайтирган ҳолда шарҳлашда эса мутлақлик ёки омм каби усул қоидаларидан фойдаланилади. Бунга мисол, «Сулҳ хайрдир» оятидан сулҳ (ярашув)нинг барча тури иқрор асосида, инкор асосида ва сукут сақлаш орқали юзага келадиган сулҳ (ярашув)нинг жоизлигини таъкидлайди (Бурҳониддин ал-Марғинович, 1990:503).

Умуман олганда Бурҳониддин Марғинович оятлардан чиқарилган ҳукмларни баён қилишда асосан шарҳлаш услубидан фойдаланади. Лекин, унинг мақоми тўғрисида тўхталадиган бўлсак уларнинг тафсири ҳисобланмайди. Ислоҳ ҳуқуқида шарҳлар ичида фақат Расулulloҳ (с.а.в)нинг шарҳу изоҳлари тафсир мақомидадир. Шу билан бирга, ҳанафий мазҳаби қоидаларига кўра, саҳобалар, баъзан тобейларнинг ақл юритиб бўлмайдиган мавзулардаги шарҳлари тафсир мақомида, деб қабул қилинади. Марғиновичнинг асарида келтирган шарҳлари илмий шарҳ мақомидадир. Қолаверса,

бу шарҳлар ундан олдин ҳам бошқа олимлар томонидан қўлланилган ва шундай хулосаларга келинган. Шу сабабли ҳам Марғинонийдан сўнг келган олимлар унинг мақоми ва илмий асосларидан келиб чиққан ҳолда бу шарҳларни ҳар тарафлама ўрганиб қабул қилган.

Чиқарилган ҳукмларга келадиган бўлсак, уларнинг барчаси ҳам Марғинонийнинг ўзи илгари сурган фикр эмас. Балки, уларнинг кўпчилиги матндаги имом Муҳаммад ёки Қудурийнинг фикрлари бўлган. Баъзи ўринларда ўзи баъзи қарашларни илгари суриб, уни оятлар орқали исботлашга уринганки, буни унинг ўз қарашини, дейиш мумкин. Масалан, матнда келган «ўлчанадиган ва тортиладиган турдош бўлган мулкни ноқонуний эгаллаб олган кишининг қўлида мулкка талафот етса, эвазига ўхшабини бериш унга мажбурий бўлади», деган сўзни шундай шарҳлайди: «баъзи нусхаларда етказилган зарарни ўхшаши билан қоплаши шарт, дейилган. Лекин, бу сўзлар ўртасида фарқ йўқ. Чунки, мажбурий бўлган нарса бу ўхшашидир. Оятда шундай дейилади: «Сизларга ким ҳужум қилса сизлар ҳам улар ҳужум қилганидек ҳужум қилинглар». Қўриб турганимиздек бу ерда Марғиноний Мухтасари Қудурийнинг турли нусхаларидаги бир хил масалада ишлатилган ҳар хил сўзларни мувофиқлаштириш мақсадида оятдан фойдаланган. Бу албатта унинг фикри ва мантикий хулосасидир.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ислом ҳуқуқининг бирламчи манбаи бўлган Қуръондан фақиҳлар – биз содда ҳолда тушунганимиздек, – Қуръонга бевосита мурожаат қилиб, зоҳирига қараб ҳукм чиқаришмаган. Балки, улар оятларнинг далолат ва ифода шакллари, турларини ҳам эътибордан четда қолдирмай ҳар бир сўзи ва ишорасидан ҳуқуқий масалаларни чиқаришга ҳаракат қилишган. Ҳатто, келтирилган қиссаларнинг ҳар бир эпизодида ҳам ҳуқуқий жиҳатларни кўришга интиланлар.

Бу жараён Қуръоннинг сўзлари, ҳар бир оятнинг нозил бўлиш тарихи, мазмунан яқин, ўхшаш ва фарқли бўлган оятларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари, таҳлил қилинаётган масала билан оятда кўзда тутилган ҳолат билан умумий бўлган жиҳатларнинг мавжуд бўлиб бўлмаслиги ва бошқа хусусларда чуқур билим ва малакага эга

бўлишни талаб қилади. Мана шундай салоҳиятга эга бўлган олимлар – фақиҳлар ислом ҳуқуқини ривожлантирганлар ва ҳаётий муаммоларга ечим йўлларини кўрсатиб берганлар. Мана шундай хусусиятларни намоён қилган «Ҳидоя» китоби ҳам ҳар доим фақиҳларни тарбиялашда, уларга ҳанафий фикҳийнинг тамойилларини сингдириш ва уларда фикҳий малакани шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилиб келган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Заҳра. (нашр йили кўрсатилмаган). Усул ал-фикҳ. Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий. 392 б.
2. Мужоҳид Махзумий. (1989). Тафсири Мужоҳид. Қоҳира: Дорул фикр ал-исламий ал-ҳадиса.
3. Ибн Жарир Табарий. (2000). Жомийул баён. Ж. 24. Нашр жойи кўрсатилмаган. Муассасат аррисола.
4. Ибн Касир. (1989). Тафсир ал-Қуръон ал-азим. Ж. 4. Байрут: Дор ал-маърифат.
5. Абу Мансур ал-Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалар институти. Р. 5126, 5127.
6. Абуллайс ас-Самарқандий. (1993). Баҳр ал-улум. Ж. 3. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
7. Абу Ҳафс Насафий. (2019). Ат-Тайсир фи ат-тафсир. Ж. 15. Истанбул: Дар ал-лубаб.
8. Маҳмуд Замахшарий. (1995). Ал-Кашшоф. Ж. 4. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
9. Ҳофизуддин Абулбаракот ан-Насафий. (2005). Мадорикут танзил. Ж. 4. Байрут: Дор ан-нафоис.
10. Қуртубий. (2005). Ал-Жомеъ ли аҳком ал-Қуръон. Байрут: Дор ал-кутуб алимия. Ж. 21.
11. Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеий. (1951). Аҳком ал-Қуръон. Ж. 2. Қоҳира: Матбаъат ас-саъода ал-кубро.
12. Абу Исҳоқ Исмоил ибн Исҳоқ ал-Жаҳдабий. (2005). Аҳком ал-Қуръон. Байрут: Дор Ибн Ҳазм.
13. Абу Жаъфар ат-Таҳовий. (1996). Аҳком ал-Қуръон. Ж. 8. Истанбул: Диянет вақфи.
14. Абу Бакр Жассос. (1929). Аҳком ал-Қуръон. Ж. 3. Қоҳира: Ал-Матбаъа албаҳийя.
15. Ибн Арабий. (1959). Аҳком ал-Қуръон. Ж. 4. Қоҳира: Матбаъа арраҳмонийя.
16. Нашр жойи кўрсатилмаган. Дор ихё ал-кутуб ал-арабийя.
17. Муҳаммад Сиддиқ Ҳасанхон. (1929). Найл ал-муром. Қоҳира: Матбаъа арраҳмонийя. 368 б.
18. Муҳаммад Али ас-Сойис. (1989) Тафсир оёт ал-аҳком. Ж. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
19. Муҳаммад Али ас-Собуний. (1999). Тафсир оёт алаҳком. Ж. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
20. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. (2012). ал-Асл. Ж. 12. Байрут: Дар ибн Ҳазм.

21. Мухаммад ибн Идрис Шофеий. (1993). Ал-Умм. Ж. 9. Байрут: Дор ал-кутуб алилмия.
22. Ибн Ҳазм. (1929). Ал-Мухалло. Ж. 11. Қоҳира: Матбаа ан-наҳза.
23. Ибн Қудом. (1997). Ал-Мугний. Ж. 15. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
24. Ибн Рушд. (1911). Бидоят ал-мужтаҳид ва ниҳоят ал-муқтасид. Қоҳира: Матбаа ал-жамолийя. Ж. 2.
25. Абу Бакр Қаффош Шоший. (2007). Маҳосин аш-шариъа. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
26. Шамсулаимма Сарахсий. (2001). Ал-Мабсут. Ж. 15. Байрут: Дор ал-кутуб алилмия.
27. Алоуддин Косоний. (1997). Бадойъ ас-санойъ. Ж. 10. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
28. Бурҳониддин Марғинович. (1990). Ҳидоя. Ж. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
29. Фахрулислом Баздавий. (1997). Усул ал-Баздавий. Кашф ал-асрор билан бирга. Ж. 1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
30. Абулбаракот Насафий. (1986). Кашф ал-асрор. Ж. 1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
17. Muhammad Siddiq Hasankhan. (1929). Nayl al-muam. Cairo: Matba'a arrahmaniyya. 368 b.
18. Muhammad Ali as-Sayis. (1989) Tafsir ayat al-ahkam. Vol. 2. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
19. Muhammad Ali as-Sobuniy. (1999). Tafsir oyot alahkom. Vol. 2. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiya.
20. Muhammad ibn Hasan Shayboniy. (2012). al-Asl. Vol. 12. Beirut: Dar ibn Hazm.
21. Muhammad ibn Idris Shafii. (1993). Al-Umm. Vol. 9. Beirut: Dar al-kutub alilmiya.
22. Ibn Hazm. (1929). Al-Muhalla. Vol. 11. Cairo: Matba'a an-nahza.
23. Ibn Qudama. (1997). Al-Mughni. Vol. 15. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiya.
24. Ibn Rushd. (1911). Bidayat al-mujtahid wa nihayat al-muqtasid. Cairo: Matba'a al-jamoliyya. Vol. 2.
25. Abu Bakr Qaffal Shashi. (2007). Mahasin ash-shari'a. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
26. Shamsulaimma Sarakhsi. (2001). Al-Mabsut. Vol. 15. Beirut: Dar al-kutub alilmiya.
27. Alauddin Kasani. (1997). Badai' as-sanai'. Vol. 10. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
28. Burhanuddin Marghinani. (1990). al-Hidaya. Vol. 2. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
29. Fakhrul Islam Bazdawi. (1997). Usul al-Bazdawi. with Kashf al-asra. Vol. 1. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
30. Abul Barakat Nasafi. (1986). Kashf al-asrar. Vol. 1. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.

REFERENCES

1. Abu Zahra. (year not indicated). Usul al-fiqh. Cairo: Dar al-fikr al-arabi. 392 b.
2. Mujohid Maxzumi. (1989). Tafsiri Mujahid. Cairo: Darul fikr al-islami al-haditha.
3. Ibn Jarir Tabari. (2000). Jami'ul bayan. Vol. 24. Nashr joyi ko'rsatilmagan. Muassasat arrisola.
4. Ibn Kathir. (1989). Tafsir al-Qur'an al-azim. Vol. 4. Beirut: Dar al-ma'rifa.
5. Abu Mansur al-Maturidi. Ta'wilat ahl as-sunna. Manuscript Fund named after Abu Rayhan Biruni. No.5126, 5127.
6. Abullays as-Samarqandiy. (1993). Bahr al-ulum. Vol. 3. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiya.
7. Abu Hafs Nasafiy. (2019). At-Taysir fi at-tafsir. Vol. 15. Istanbul: Dar al-lubab,
8. Mahmud Zamakhshari. (1995). Al-Kashshaf. Vol. 4. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiya.
9. Hafizuddin Abul Barakat an-Nasafi. (2005). Madarikut tanzil. Vol. 4. Beirut: Dar an-nafais.
10. Qurtubi. (2005). Al-Jami' li ahkam al-Qur'an. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya. Vol. 21.
11. Muhammad ibn Idris ash-Shafii. (1951). Ahkam al-Qur'an. Vol. 2. Cairo: Matba'at as-sa'ada al-kubro.
12. Abu Ishaq Ismail ibn Ishaq al-Jahdami. (2005). Ahkam al-Qur'an. Beirut: Dar Ibn Hazm.
13. Abu Ja'far at-Tahawi. (1996). Ahkam al-Qur'an. Vol. 8. Istanbul: Diyanet vakfi.
14. Abu Bakr Jassos. (1929). Ahkom al-Qur'on. Vol. 3. Cairo: Al-Matba'a albahdiyya.
15. Ibn Arabiy. (1959). Ahkom al-Qur'on. Vol. 4. Cairo: Matba'a arrahmoniyya.
16. Year not indicated. Dar ihya al-kutub al-arabiyya.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@maturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية